

## Қиёмат куни маҳкамаси қонунларидан



15:05 / 08.12.2021 2355

1. “(У Кунда, у ерда) **махфийлиги бўлмаган делолар, ошкор этиш тақиқланган ҳужжатлар бўлмайди** (“ўта махфий”, “конфеденциал”, деган муҳрларсиз): **“...ва қиёмат куни унга китоб чиқарамизки, унга очилган ҳолда рўбарў бўлур”** (Исро сураси, 13- оят).
2. Кучайтирилган қўриқчилар кузатуви остида келтирилиш: **“Ва ҳар бир жон ҳайдагувчи ва гувоҳлик берувчи билан келди”** (Қоф сураси, 21- оят).
3. Зулм, ноҳақлик имконсиз: **“...ва Мен бандаларга зулм қилгувчи эмасман”** (Қоф сураси, 29- оят).
4. Бу ерда сизни ҳимояловчи адвокат, ҳимоячи бўлмайди: **“Китобингни ўқи, бугунги кунда сен ўзингга ўзинг ҳисобчиликка кифоя қилурсан (дейилур)”** (Исро сураси, 14-оят).
5. Пора бериш, ўртага воситачи қўйиш имконсиз: **“У кунда на мол манфаат берар ва на болалар”** (Шуаро сураси, 88-оят).
6. Бошқаларнинг ўхшаш исми шарифлари билан адашиб кетилмайди: **“Роббинг унутгувчи бўлмаган”** (Марям сураси, 64-оят).
7. Кўрсатмани қўл билан ҳамда нутқ ила қабул қилиб олинади: **“Бас, кимнинг китоби ўнг тарафдан берилса, у, мана, менинг китобимни ўқиб кўринглар... Албатта, мен ҳисоб-китобимга йўлиқишимга**

**ишонардим, дейдир”** (Ал- Ҳааққаҳ сураси, 19-20-оятлар).

8. Ғоибона, йўқ шахсга ҳукм қилинмайди: **“Албатта, барчалари тўпланган ҳолларида ҳузуримизга ҳозир қилингайлар”** (Йасин сураси, 32-оят).

9. Ҳукм устидан кассация ёки апелляция тартибидаги шикоятлар бўлмайди, яъни ҳукм ўзгартирилмайди: **“Менинг ҳузуримда гап ўзгармас...», деди”**, (Қоф сураси, 29- оят).

10. Ёлғон гувоҳлик, “шаҳадатуз зуур” бўлмайди: **“Бугунги кунда уларнинг оғизларига муҳр урамиз. Нима касб қилганларини Бизга қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур”**, (Йасин сураси, 65-оят).

11. Унутиб қолдирилган иш ҳужжатлари, файллар бўлмайди: **“Аллоҳ ҳисоблаб турган, улар эса унутганлар. Ҳолбуки Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳиддир”** (Мужодала сураси, 6-оят).

12. Амалларга ўта дақиқ, тўғри тарозулар белгиланган: **“Биз қиёмат куни учун адолат тарозуларини қўюрмиз. Бирор жонга ҳеч қандай зулм қилинмас. Агар (амал) ачитқи донаси оғирлигича бўлса ҳам, келтирурмиз. Ҳисобчиликда Ўзимиз кифоя қилурмиз”** (Анбиё сураси, 47-оят).

**Манба: arabic.uz**